



Саудия Арабистони янги турдаги коронавирусга қарши халол вакцина ишлаб чиқилди. Бу ҳақида Dunya News янгиликлар портали хабар қилди. "COVID-19 дан вакцина ишлаб чиқиш Жиддадаги кироли Абдулазиз университетида олиб бориляпти", - хикоя қилади Мазен Хасанейн, маҳаллий биофармацевтика компанияси SaudiVax директори. – Умид қиламизки, гарчи бу кўп омиларга боғлиқ бўлсада, вакцина Яқин Шарқда бир йилдан кейин пайдо бўлади".

Вакциналарни ишлаб чиқишда бутун дунё олимлари тирик қилиш учун озуқавий муҳитга муҳтож бўлган тирик ҳужайраларни ишлатадилар. Унинг таркибий қисмларига халол ёки исломий меъёрлар нуктаи назаридан жоиз бўлмаган элементлар, масалан, чўчка организмидан олинган желатин каби ингредиентлар қиради. Шу сабабли, "ТАСС" Dunya News нашрига таяниб таъкидлаганидек, "халол" белгиси бўлган Саудия Арабистонининг COVID-19 дориси мусулмонларни диний ташвишлардан халос қилиши керак.

Мутахассислар дарҳақиқат кироликда ҳам, бутун Яқин Шарқ минтақасида ҳам вакциналарни ишлаб чиқиш ва ишлаб чиқариш учун таркибий қисмлар этишмаётганини таъкидлайдилар. Хасанейннинг сўзларига кўра, унинг компанияси "бу бўшлиқни тўлдириш учун кўп ишламоқда" ва вакцина яратиш жараёнини соддалаштириш учун махсус жиҳоз яратмоқда. Бироқ, ҳар эҳтимолга қарши, у икки йилдан олдин тўлиқ ишга туширилмайди, шунинг учун ҳозирда уни тугатишда учинчи томон компанияларидан ёрдам сўраш масаласи кўриб чиқилмоқда.

"Вакцина ишлаб чиқиш қисман Саудия Арабистонида амалга оширилиши, қолган

босқичлар эса аутсорсингга, асосан АКШга берилиши мумкин, - деди Хасанейн. – Одатда бу жараён мамлакатлар ўртасидаги ҳамкорлик асосида амалга оширилади".